


# ҲАРАКАТДАГИ ФИКР МАЙДОНЛАРИ

## Навоий вилоятида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси кунлари

Навоий вилояти дея ўзимиз айтсак ҳам, бировдан эшитсак ҳам руҳиятимизга кенгликлар киргандай, вужудимизга куч-қувват қуюлгандай бўлади. Бу ҳолат, албатта, аввало Ҳазрат Навоий исми, хотираси билан боғлиқ. Қолаверса, Ўртачўл, Маликчўлнинг заҳматга зар билан жавоб қайтарадиган даштлари, Томди, Конимех яйловларига ёйилган сурувлар, номи зарга туташ дарё, конлар, иқтисодий мураккабликлардан омон-эсон, бўйи пастламай ўзини кемтимай ўтиб келаётган йирик саноат корхоналари — ҳамма-ҳаммаси киши тасаввурида яхлит бир қудрат суратини чизади. Аммо бу сурват қотиб турмайди. Ҳар гал Навоий сафарларида, учрашув, сўзлашувларда янги чизгилар билан бойийди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан Ватан мустақиллигининг 13 йиллиги тантаналари арафасида Навоий вилоятида бўлиб ўтган анжуман, учрашув, суҳбатларда сўзловчининг ҳам, тингловчининг ҳам бор таассуротларини янгилайдиган фикрлар айтилди.

— Икки палатали парламентга сайловлар яқинлашгани сайин фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги ошаётганини ҳар кун, ҳар нафасда ҳис қилаяпмиз. Ҳамюртларимиз "Бўлса бўлибди-да, сайланса, сайланибди-да" деган лоқайд кайфиятдан тобора узоқлашяптилар. Сафимиз ёшлар, тадбиркорлар билан кенгаймоқда. Баъзан давраларда "Миллий Тикланиш" зиёлилар партияси бўлса, хусусий корхона эгаси — ёғоч ёки мармар билан ишлайдиган киши бу партияда нима қилиб юрибди, деган гап ҳам айланиб қолади. Нима учун мустақил юрт тадбиркори, ишчи, деҳқони зиёли бўлмаслиги керак?! У зиёли бўлмаса қандай қилиб бугунни англайди, қандай қилиб эртанинг мўлжалини олади? Зиёдан йироқ йўлда юрганлар адашади-ку. Бу тарих синовларидан ўтган ҳақиқат.

— Биз ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашининг раиси, "Юнител" компанияси вилоят бўлими раҳбари Исматулло Муҳаммадиевнинг сайлов жараёнларига тайёргарлик, жараённинг фуқароларимиз тафаккури, фаолиятига таъсири ҳақидаги мулоҳазаларини тинглаб ўтириб яқин ўтмишдаги сайлов билан боғлиқ ҳангомаларни ёдга оламиз. Депутатликка номзоди қўйилган бир пулдор ўз ҳудудидаги аёлу эркакка бир пой ковуш тарқатиб чиқибди.

— Агар менга овоз берсаларингиз иккинчи пойини бераман, бўлмаса йўқ, — деган экан.

Албатта, одамлар эртага бўладиган парламент сайловларида бир жуфт ковушга ишқи кетиб, мана шундай "бер-бер", "ол-ол"лар ботқоғидан униб, ўсиб чиққан кимсаларга овоз бериш оддий нодонлик, калтабинлик эмас балки, фарзандлар олдида, миллат олдида, озодлик олдида жиноят эканини англашлари шарт.

— Ҳаётимиздаги барча муаммолар, уларнинг ечимлари бир-бирига жуда боғлиқ. Алоҳида ажратиб олиб ҳеч чигални ечиб бўлмайди. Мана, хотин-қизлар масаласини олайлик... Яқинда Республика хотин-қизлар қўмитасининг конференцияси бўлиб ўтганидан ҳаммангиз хабардорсизлар. Анжуманда Президентимизнинг хотин-қизлар муаммоларига яқинроқ бориш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид фармонлари, шу фармон асосида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳақида узоқ-яқин туманлардан борган опа-сингилларимиз ишонч, умид билан гапирдилар. Фармон, қарорларда аёллар, айниқса, қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш масаласига катта эътибор берилган. Биз бораётган Нурота туманида 40224 нафар хотин-қизлар яшайди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси ЎзМТДП Навоий вилояти кенгаши "Аёллар қаноти» етакчиси Мусаллам Иброҳимова.

Туман аёллари ҳаёти кўзгуси бўлган рақамларни ўрганганимиз сари бугуннинг эътиборига эҳтиёжманд нуқталар равшанлаша бошлайди.

Нуротада 15745 та оила бўлиб, шундан 415 таси кам таъминланган оила сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтож. 15234 нафар туғруқ ёшидаги аёллар чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди. 12573 нафарида (82,5 фоиз) ЭКГ касалликлари борлиги аниқланди. 2004 йилнинг 6 ойи давомида меҳнат бўлимларига 570 нафар аёллар иш сўраб мурожаат этди, 548 нафарига ишсизлик мақоми берилиб, ишсизлик нафақаси тайинланди. Албатта, рақамлар аниқлиги яхши. Заиф халқалар аниқ кўриниб туради. Ижтимоий ҳимояга муҳтожларга моддий ёрдам, беморларга даво белгиланаётгани ҳам шу аниқликдан. Муҳими, мамлакатимиз раҳбари такрор-такрор талаб қилганларидек, оддий одамлар, оддий аёлларга яқинроқ борилмоқда.

Нурота тумани ҳокими Ўктам Ҳакимов иштирокида ўтган "Миллий Тикланиш" партияси фаоллари йиғилишида ўртага ташланган фикрларда ҳам фуқароларимизнинг "айтсамми, айтмасам" кайфиятидаги истиҳола, иккиланишдан узоқлашаётгани сезилди.

— Нурота — қадим каштачилар юрти. Аввалари ҳар бир хонадонда қиз боланинг сепи учун сўзана, белбоғ, уйга, одамга зийнат берадиган турли буюмлар тикиларди. Бугун момомерос ҳунаримиз тадбиркорликка асос бўлиб турибди. Мана, "Турон" маҳаллалик Санобар опа Ортиқова ўз уйида ўнлаб қизларга ҳунар ўргатади. Пойтахтдаги бир фирма воситачилигида хорижга буюртма асосида сўзаналар тикиб беришади. Тўғри, улар бу иш орқасидан ҳали бойиб кетганлари йўқ. Аммо ўн-ўн беш оила рўзғор тебратиб турибди. Ёш-ёш қизчалар ҳам ҳунар ўрганаётгани қувонтиради одамни. Бироқ Санобар опа қаби тадбиркорларнинг ишлари меҳнат стажига қўшилмайди. Ахир, эрта-индин бу эгилиб, кўз нурини тўкиб тикиб ўтирганларнинг ҳам ёши ўтади. Нафақа олиши керак, — дейди Нурота телевидениеси ходими Норбиби Давлатова.

— Туманимиздаги 18-умумтаълим мактаби Япония грантига муяссар бўлди. Офтобда қорайган қишлоқ болалари учун 2 та синф хонаси компьютерлаштирилганининг ўзи биз учун байрам. Фарзандларимизнинг истеъдоди кўриниб қолди. Энди Ёшлар каналининг "Қишлоқдаги тенгдошим" кўрсатуви Нуротага келсин, бизнинг болаларнинг ҳам овози эшитилсин, — дейди Файзулло Хўжаев номли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Умар Пўлатов. — Одамлар бор-борича қабул қилмаяптими, нималаргадир яхшиликлар қўшиб, яна ҳам яхшилагиси келаяптими, демак, ҳаётга муҳаббат ришталари билан боғланган.

Нуротадан Қизилтепа туманига ўтаётиб шунчаки гапиришгандай одатий оҳангларда бир воқеани гапириб беришди.

— Хонадонларимиздан бирида бир неча авлод қизлари сепига зийнат бўлган сўзана бор экан. Хориждан санъатсевар меҳмонлар келганда сотиб олишмоқчи бўлишибди. Баҳоси 10 миллион сўмга кўтарилса ҳам эгалари сотишга кўнмабди. Момомнинг, унинг момосининг, ўз онамнинг қўллари иси, кўзларининг изи бор, туморимиз бу бизнинг, — дейишибди. Меҳмон муроди ҳосил бўмаса-да, аждодлари хотирасига бўлган садоқатга бош эгибди.

Биз ҳам таъсирландик. Эстониядаги Муху оролида ёғоч супа устига қуп-қуруқ, ярми чириган қайиқлар тўнкариб қўйилар экан.

Бу қайиқлар юз, икки юз йил умр кўрган. Боболаримиз, оталаримизга беминнат хизмат қилган. Буларни ташлаб юборсак, хотирамизни ирғитиб юборгандай, — дер экан эстонлар. Қайси халқ ўзини таний бошласа, хотирасини муқаддас билади. Бу — орқага кетиш эмас, юксалиш.

— 1990 йилларда туманимиз аҳолиси 7 фоиз тоза ичимлик суви билан, 8 фоиз табиий газ билан таъминланган эди. Бугун 90 фоиз аҳолимиз тоза ичимлик суви ичади. 99,5 фоиз аҳолимиз хонадонига газ кириб борди. 90-йилларда фуқароларимизнинг 70 фоизи тоза сувдан маҳрумлиги боис турли хасталикларга чалинган бўлса, бугун бу кўрсаткич 10 фоизга тушди, — дейди Қизилтепа тумани ҳокими ўринбосари Қурбон Ваҳобов.

Қизилтепа — Навоий вилоятининг қадим масканларидан. Улуғлар қадами етган табаррук тупроқ.

— 52060 нафар опа-сингилларимиз Қизилтепа — Олтинтепа номига яраша обод яшаймиз, деб меҳнат қилиб ётибди. Раъно Валиева деган шоиртабиат опамиз неча йилдан буён чўлда қўриқ ер очади. Ёшлар катталарга қараб қад ростлайди. Бу йил Хуршида Нарзиева исмли қизимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Яна бир карра юзимиз ёруғ бўлди, — дейди Қизилтепа тумани ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси ЎзМТДП Қизилтепа туман кенгаши «Аёллар қаноти» етакчиси Машҳура Каримова.

Одамлар бир пайтдагидай фақат яхшисидан гапирмайди, дилига тугиб қўйган гапларини ҳам тўкади.

— Кўплар билади, Қизилтепада улуғ тасаввуфчи аллома Боязид Бистомий зиёратгоҳи бор. Қани эди, шу зиёратгоҳ обод қилинса...

— Меҳнат нормативлари эскирган, 17 сотих ернинг яганаси учун 456 сўм тўланади. Бунча ерни ягана қилиш учун деҳқон неча юз марта эгилиб туради, меҳнат қадрини кўтариш пайти келди.

— "Миллий тикланиш" партиясининг қизилтепалик жонкуярлари — нафақадаги муаллим Умид Сатторов, бош пудратчи Мавжудахон Шариповалар айтган фикрларга Ўзбекистон халқ шоираси, "Саодат" журнали бош муҳаррири, партия Марказий кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиларидан бири Ойдин Ҳожиеванинг сўзлари уланиб кетди:

— Аёл — оилани, жамиятни мувозанатга солиб турувчи қудрат. У доим меҳр-муҳаббат меҳваридай атрофда яхшилик, ободлик, гўзаллик иқлимини яратмоғи зарур. Ободлик, гўзаллик қайдан? Аввало, тинчлик, осойишталикдан. Мана шу Қизилтепа тупроғига дафн қилинган Мирзо Сомий Бўстоний ёзиб қолдирган тарихга кўра, мустабидлар бостириб кириб, XIX аср охирларида миллатимизнинг маънавий бойликлари — китоблар ёндирилган тунларнинг бирида осмондан юлдузлар ерга учиб-учиб, сўниб тушган экан. Миллат нурининг кули кўкка соврилганига юлдузлар азасидир бу. Табиатда биз билмаган синоатлар кўп. Мана, Нуротанинг қадим чашмасида шу кунларда ҳар эрталаб юлдузлар шаклида нур кўтарилаётган экан. Бу кетган нурнинг, сўнган нурнинг саодат, иқбол бўлиб тикланаётган, мустақил юртимизга қайтгани ишораси эмасмикин?!









Биз нотинч, безовта дунёни кўриб турибмиз. Мана, бир пайтлар ўнлаб боғлар гуркираган афғон тупроғи бугун темир қолдиқлари уюми, вайронага айланди. Шундай экан, дунёда уруш, айниқса, террор балоси бор экан, ўз кўнглимиз, уйимизни бу балолардан асрайлик. Ҳар аёлда яратувчилик қудрати бор. Бу қудрат бир-биримизга ҳимоя бўлсин!

ЎзМТДП Самарқанд вилояти кенгаши "Аёллар қаноти» етакчиси шоира Хосият Бобомуродова,"Дўстлик байроғи" газетаси мухбири Ойбуви Очилова ва бошқалар ҳам мустақиллик, ободлик, огоҳлик, фуқаролик бурчлари ва сайловлар ҳақидаги фикрларни айтиб, бири-бирини тўлдирди.

Фикрлар яқинлашдими — миллат яқинлашгани. Қизғин баҳс, ошкоралик, зиёлиларга хос ичкин бир маданий мезонларда ўтган йиғилиш, суҳбатлардан сўнг ЎзМТДП Марказий кенгаши, вилоят, туман фаолларини Навоий вилояти ҳокими Баҳриддин Рўзиев қабул қилди.

— Бу йил 1,5 миллион сўмлик гул кўчати ўтказдик. Уруғлар сепдик. Аввалги йилларда гулларни сувга, офтобга чидамлилигини танлар эдик. Энди кўпроқ ҳаво — кислород берадиганини, кўзга, кўнгилга ранглари билан яхшироқ таъсир кўрсатадиганини танладик, — дейди вилоят ҳокими мустақилликка тайёргарлик, янги иншоотлар, маданий-маърифий ва сайловларга боғлиқ жараёнлар ҳақидаги суҳбатлардан сўнг.

Вилоятнинг раҳбари диққат марказида бири-биридан зарур ижтимоий-иқтисодий муаммолар, режалар орасида гулга ўрин борлиги ажиб, сўз билан тасвирлаб бўлмайдиган бир кайфият уйғотди.

Ахир, ҳар қандай тараққиёт, демократия, тикланиш кўнгилдан бошланади-ку.

ЎзМТДП Навоий вилояти кенгаши раиси Исматилло Муҳаммадиев йиғинларнинг бирида:

— Сенинг бир олманг бўлса, дўстингда ҳам битта олма бўлса-ю, алмашсаларинг, ҳеч нарса ўзгармайди. Аммо фикр, ғоя алмашилса, сенда ҳам, дўстингда ҳам энди иккитага ортади, — деган эди.

Учрашувлар ҳақида ёзаётиб, ниҳоясида шу фикрни такрорлагим келди.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА.**

# Андижонда Кенгаш йиғилиши

ЎзМТДП Андижон вилояти кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Олий мажлис депутати Халқаро Бобур жамғармаси раиси Зокиржон Машрапов олиб борди.

Вилоят Кенгаши раиси А. Тўхтабоев 30 июлда Тошкент шаҳрида содир этилган террористик хуружлар тўғрисида гапириб, бугун мамлакатимиз фуқароларини, бутун миллатни ана шу ва бошқа хунрезликларга қарши бирлаштириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлаётганлиги, бу эса партиянинг дастурий мақсадларидан эканлигини айтиб, мазкур воқеалардан ҳар бир партия аъзоси, оддий фуқаро тегишли хулосалар чиқариб, мустақил юртимизни асраб-авайлаш, жамиятимизга ёт бўлган ҳар қандай ғояларга нисбатан миллий истиқлол ғояси асосида курашиш лозимлигини айтиб ўтди ҳамда партия ва унинг фаоллари олдида турган асосий вазифа терроризм, экстремизм ва уларнинг бошқа кўринишлари ҳамда уларга қарши кураш йўлларини халқимизга тушунтиришдан, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бу борада бақамти ишлашдан иборат эканлигини уқтириб ўтди.

А. Тўхтабоев йиғилиш иштирокчиларига Ўзбекистонда икки палатали парламент тизимига ўтишдан кўзланаётган мақсад, ушбу тизимнинг мазмуни ва моҳияти ҳамда унинг негизини ташкил этувчи «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонунларга атрофлича тўхталди.

Сўзга чиққан Алишер Қамбаров партия вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг ўтган давр мобайнида асосий эътибори партия сафларини кенгайтиришга, «Миллий тикланиш» газетасига обуна масалаларига, шаҳар, туман Кенгашлари фаолиятини кучайтиришга қаратилганлиги, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамда икки палатали парламентни шакллантириш ва бу билан боғлиқ сайлов компанияси технологиясининг хусусиятларига бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилганлигини таъкидлаб, ушбу тадбирлардан вилоят Кенгаши, Андижон шаҳар ва Қўрғонтепа туман Кенгашлари фаол иштирок этаётганликларини алоҳида эътироф этди.

Раёсат аъзолари Қамчибек Кенжа, Тўлан Низом, Алишер Жалилов ва бошқалар кейинги пайтларда вилоят партия ташкилоти фаолиятида ижобий силжишлар бўлаётганлигига, шу билан бирга ишда муаммолар ҳам борлигига қаратиб, барча фаолларни жипслашишга, ҳозирги долзарб паллада четкада турмасликка даъват этиб, партия атрофида жам бўлиб мақсад, вазифаларни фаол амалга ошириш лозимлигини айтиб ўтдилар.

**Раҳимжон БЎРИБОЕВ,**
**«Миллий тикланиш» жамоатчи мухбири.**

## Партиямиз фидойилари

# КЎНГИЛДА МЕҲР БЎЛСА...

***Сирдарё — республикамиздаги энг кўп миллатли вилоят. Бунда миллатга қаралмайди, ҳақиқий инсонлик инобатга ўтади. Қўлидан иш келадиган, тадбирли, одамгарчиликни жойига қўядиган, шу юртни деб фидо бўла оладиган ҳар инсон борки, ўрнини топган. Шундайлардан бири Фичирят оға Қулиев.***



Ҳаётда турфа табиатли одамлар бор. Айниқса, катта жамоаларни бошқаришда кўпчилик билан муомала қилишга, одамларнинг кўнглига йўл топишга тўғри келади. Жамоа орасида меҳнаткаш, ўз вазифасини ҳамиша виждонан бажарадиган, ишини пухта биладиган кишилар билан бирга жамоани орқага тортадиган, умум ишига халақит берадиган лоқайд ва бепарволари ҳам учрайди. Уларнинг орасида ҳатто, асабни қақшатадиган даражада янгиликларни кўролмайдиган, тирноқ тагидан кир қидирадиганлари ҳам бўлади. Фичирят оға Қулиев турфа одамларни — яхшисини ҳам, ёмонини ҳам кўп кўрди. Ҳаммасига босиқлик, сиполик, вазминлик ва самимият билан ёндошди. Ҳаёт тарозисининг Фичирят оға турган палласи оғир келди.

У пахта саноати тизимида иш бошлаганида 19 ёшли серғайрат, қизиқувчан, эпчил йигит эди. Унинг содда ва оққўнгиллилиги, кичик феъллиги ҳаммага бирдай маъқул келди. "Неки бўлса ўзингдан топ" деганларидек, Фичирят оға эл орасида обрў топган бўлса, ўзининг феъл-атворидан, яхшилигидан топди. Саноат соҳасини яхши билганлиги, илмлилиги, ҳар ишни тадбир билан қилиши ёш Фичирятни ўстира борди.

Фичирят оға Қулиевнинг "Гулистон экстракт ёғ" ҳиссадорлик жамиятига раис бўлиши айнан ўша даврга тўғри келди. Бу корхона ўша пайтда инқирозга юз тутган, ускуналари эскирган, содда тилда айтганда "ўтириб қолганди". Корхонани бу ҳолдан қутқариш, тўхтаб қолган ишларини юргизиш учун тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган, метин иродали раҳбар бўлмоғи керак.

Қирқ ёшдан ошиб-ошмаган Фичирят оға Қулиев айнан кутилган раҳбар бўлиб чиқди. Етарли касб маҳоратига эга, ёғ-мой саноати технологик жараёнлари ишини тўлиқ ўзлаштириб олган ишчан мутахассис раҳбарликни ўрнига қўя билди. Ўрни келганда қаттиққўллик, талабчанлик қилди. Ишлар изга тушди. Белгиланган режа, барча иқтисодий-техник кўрсаткичлар тўлиқ бажарилишига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати юқори бўлишига эришилди.

Раҳбар яхши билади: ишлаётган ишчининг кўнгли хотиржам бўлса, меҳнатда унумдорликка эришилади. Шунинг учун ҳам Фичирят оға Қулиев аввало корхона ишчиларининг иқтисодий муҳофазаси масаласига катта аҳамият қаратди. Маошларни ўз вақтида берилишини назорат остига олди. Фичирят оға нафақат раҳбар балки самимий инсон сифатида ҳузурига келган ҳар бир кишининг сўзларини жон қулоғи билан тинглаб, ҳар қандай масалани ижобий ҳал этишга ҳаракат қилади. "Тўй-маъракаларда ҳамиша ёнма ён", "одамгарчилиги бор" дейишади у ҳақда гап кетганда. Бироқ, беайб парвардигор, ҳамманинг кўнглини бирдек олиш ўта мураккаб, айниқса, раҳбар учун. Иш жараёнида баъзан қаттиқ гап-сўзлар бўлиб туради, бусиз мумкин эмас. Хато-камчиликлар, кайфият бузилиши, бировга яхши, бировга ёмон кўриниш — бари ҳаёт давомида бўлиб турадиган ҳодисалар. Ана шу ўнқир-чўнқирлардан ошиб, етиб келинган манзил — иззат — ҳурмат манзили.

Ҳозирги кунда Ф. Қулиев Сирдарё вилоят "Оқ-олтин" дон маҳсулоти корхонаси директори. Бугун корхонада ишлар ёмон эмас, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидоргир. Ишлаб чиқариш ҳажми кенгайган. Иккиламчи хомашё ишлаб чиқариш, макарон ишлаб чиқариш цехлари қурилиб ишга туширилиши янги иш ўринлари сонини оширди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш борасида янги режалар бор. Корхона цехларида тўлиқ реконструкциялаш ишлари амалга оширилган. Ф. Қулиев жамоанинг яхши-ёмон кунларида елкадош, ҳамнафас. Шогирдлари Ботир Холматов ва Бахтиёр Фозиловлар ҳам ўз устозлари ортидан бориб, жамоа орасида обрў орттираётган ёшлардандир.

Айни кунда Фичирят оға Қулиев уч фарзанднинг отаси, уч набиранинг бобоси. Фарзандларига ҳар жиҳатдан ибрат.

— Ҳар гал Президентимиз ойнаи жаҳонда чиқиб, гапирганида жон қулоғим билан тинглайман. Ниманидир ўрганаман, сабоқ оламан, ҳаётнинг янги бир томонини илғайман, юрагимга, қалбимга ғайрат инади, — дейди Фичирят оға. — Юртбошимизнинг куюнчаклиги, жонбозлиги менга ҳам кўчгандек бўлади. Ишга бошқача куч билан отланаман.

— Бир корхонани оёққа турғазиш, жамоа кўнглини топиб ишлаш осон эмас. Раҳбарлик сирларидан бизни ҳам воқиф қилсангиз, — дейман ҳазил аралаш.

— Ҳаммаси кўнгилга боғлиқ, — дейди у жиддий. — Меҳр берсанг, меҳр оласан. Фақат меҳр сохта бўлмаслиги керак.

Ҳа, бу — раҳбарликнинг энг нозик сири. Аслида ўз иш жойи, жамоаси, ёр-биродарларига чин меҳр қўя олган одам эли, юрти, Ватанига ҳам буюк бир меҳр билан қарайди. Фичирят оғанинг меҳр-муҳаббати эса узоқ йиллар синовларида тобланган ҳақиқий, чин Меҳрдир.

**Маматқул БОЗОРБОЕВ.**
**Гулистон шаҳри.**

*Дилкаш суҳбатлар*

# Бошқотирмаларга қаршиман

**Оқ қоғозга ошно бўлиш — бошқа бир дунёда яшаш дегани.**

**Ижод аҳли ҳар куни янги режа ва ғоялар билан ёнади.**

**Унинг кўнгли беҳаловат, хаёллари безовта...**

**Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, «Тонг юлдузи» газетаси Бош муҳаррири, шоира Умида Абдуазимова билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.**

***— Умида опа, яқинда Зоминда бўлиб ўтган ижодкор ёшларнинг анъанавий семинарида иштирок этдингиз. Ўриклисой таассуротлари, анжуманда қатнашган ёш қаламкашларнинг ижоди ҳақида нималар дея оласиз?***

— Мен учинчи маротаба бу ерда бўлишим. Учинчи маротаба ҳаёт ташвишларидан узоқлашиб, КЎНГИЛга қайтгандек бўлдим. Чиндан ҳам барча иштирокчилар уч кун бўлса-да, тирикчилик ғами, турмушнинг майда-чуйда юмушларидан узилиб, ижод дунёсида яшашди. Зоминда янгича руҳ, янги орзулар барқарор. Баҳаво гўшадаги дилтортар суҳбатлар, ўқилган шеърлар, ҳикоя, ҳатто романларгача, ҳамма-ҳаммасида ёшликнинг туғёнлари гуркираб турибди. Устоз Абдулла Ориповнинг ёшларга эътибори, улар билан эркин суҳбатга киришиб, бир маконда ёнма-ён яшаши бу мактабнинг бошқа мактабларга ўхшамаслигидан далолатдир. Бу йил иқтидори мурғак, ўзи ҳам мурғак, кўнгли оппоқ, фикри тоза йигит-қизлар таклиф этилишибди. Зомин семинари иштирокчисига айланган бу бахтиёрларни беихтиёр яшашга, ёниб, яратиб, ижод қилиб яшашга ундайди. Шунинг учун ҳам, айниқса, бу йил у ердан бир умрга татигулик таассуротлар билан қайтдим.

***— Бугунги болалар адабиёти ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик. Болалар учун ижод қилаётган адиблар камга ўхшайди... ёки бошқачароқ айтганда, уларни ёш китобхонлар билан боғлаб турган ришта — янги алифбодаги китоблар тўғрисида гаплашсак.***

— Биласизми, болалар адабиёти сустлашиб қолди, деган фикрга қўшилмайман. Иш столим устида болалар учун ёзилган асарлар тахланиб ётибди. Газетамизда баъзан яхлит тўпламларни ҳам босиб турамиз. Янги алифбодаги китоблар сони яна биттага кўпайсин деймиз-да. Шунинг учунми, ўзлари кесиб, муқовалаб олинадиган бу китобчалар ўқувчиларимизни жуда қизиқтириб қўйган. «Чаманда гул» номли рукнимизда эса, жаҳон адабиёти дурдоналарини берамиз. Бу борада ўз таржимонларимиз ҳам етарли. Мен саҳифаларни тўлдириб бериладиган бошқотирма-ю, кроссвордларга қаршиман. Унинг ўрнига ўзимиз сув ичган булоқлар — Машрабдан, Навоий, Бобур...лардан берганимиз, дунёвий адабиётлар билан ўқувчиларимизни таништирганимиз яхши эмасми? Бундай бошқотирмалар ўқувчининг фикрини чархлаши мумкин, аммо маънавиятини юксалтирмайди.



Янги алифбодаги китоблар борасига келсак, улар ҳар бир нашриётда мунтазам чиқарилмоқда. Фақат, ўқувчилар қўлига етиб бориши, тарғибот ва ташвиқоти кўнгилдагидек эмас. Буни ҳаттоки ўз газетамиз тимсолида ҳам айтишим мумкин. Бир вақтлар бу газета бир ярим миллионга яқин нусхада чоп этилган эди. Биздан тўқ ва хотиржам яшашмаса-да, ота-оналаримиз ўз фарзандларига обуна учун пулларини аяшмаган эди. Чунки, улар болаларга бола тилида мамлакат сиёсати, тинчликпарвар ғоясини тушунтирадиган шу ягона газета эканлигини дилдилларидан тушунишган эди-да.

***— «Тонг юлдузи» таҳририяти қошида тўгарак бор деб эшитганмиз.***

— Газетамиз азалдан болалар ва ўсмирлар учун биринчи адабий мактаб бўлиб келган. Бугун тўрт хил рангда чиқаётган «Тонг юлдузи»нинг мазмун-мундарижаси ҳам ранг-баранг. Газетани варақлаб, «Тонг юлдузи» атрофидаги ёш, чақноқ юлдузлар билан танишаверасиз. Таҳририятимиз қошидаги тўгарак менга болалигимни эслатади. Отам раҳматли ҳар чоршанба куни мени машғулотларга олиб келиб, ўзлари эшик олдида пойлаб ўтирардилар. Ўшанда тўгаракни Наримон Орифжонов, Сафар Барноев, Пўлат Мўмин, Барот Исроилов, Тоҳир Малик сингари устозлар навбат билан бошқаришган. Мен ҳам газетада иш бошлабоқ, шу тўгаракни жонлантиришга ҳаракат қилдим. Ҳозир бизнинг мактабимизни ўтаганлар олий даргоҳларни битириб, сафларимизга келиб қўшилишган. Ҳамон ҳар ҳафтанинг душанба кунлари 30-40 нафар ёш қаламкашлар таҳририятимизни тўлдиришади. Боласини етаклаб келган ота-оналарни кўрсам, қувониб кетаман. Чунки фарзандининг қизиқиш ва интилишлари билан ҳисоблашиш ҳамма вақт ҳам ҳамманинг қўлидан келавермайди-да.

***— Қўшиқ бўлган шеърларингиз кўп... Куй басталаш жараёнида шеърда ўзгаришлар бўлиши мумкин. Хонандалар сиз билан бамаслаҳат иш кўришадими?***

— Ўйлаб кўрсам, биринчи китобимдаги шеърлардан тортиб, ҳозиргисигача кўпгина хонандаларимиз янги қўшиқлар яратишда фойдаланишаяпти. Илҳом Иброҳимов Марғилондан телефон қилиб, янги шеърларимни сўраб ёзиб олишини айтмаганда, асосан эълон қилинганларини қўшиқ қилиб куйлашмоқда. Шунинг учун ҳам кўпинча шеърларимнинг қўшиқ бўлганини мухлислар қаторида радио ёки телевидениеда берилганда эшитиб қоламан. Ўша шеърдаги ҳароратни, нозик ҳисларни тўғри тушуниб, илғаб ишлашганидан хурсанд бўламан.

***— Ижодий сафарларда кўп бўласиз. Ватан туйғуси, унинг соғинчи, фахри, ўзга юрт тупроғида туриб ҳис қилган ҳаяжонларингизнинг ҳаммаси шеърга сиғмаса керак...***

— Ўтган йили декабр ойида Турк дунёси аёллари иккинчи қурултойида қатнашдим. 52 туркийзабон мамлакатларнинг вакиллари қатнашган бу анжуманда Ўзбекистондан бир ўзим иштирок этибман. Аммо буни қарангки, мен етти кун давомида ўзбек номим билан президиумдан тушмадим. Дунё аёллари ўзбекларга қизиқиб қолишганидан ҳаяжонда эдим. Ҳатто, мен кийган атласни кўз-кўз қилишиб, ўзбекнинг ўз матоси ҳам бор-а, деб олқашганини айтмайсизми? 90-йилларда Сурияда бўлганимда мени «русия аёли» деб таништиришганди. Бу икки ҳолатни солиштириб, истиқлолнинг нима эканини дил-дилимдан англайман. Бизни кўкларга кўтариб, дунёларга олиб чиқаётган юртбошимизга узоқ умр тилайман... Беихтиёр, турмушидан нолиб, дунёларга айюҳаннос солаётган айрим юртдошларим, тинч кунларимизга тазйиқ қилмоқчи бўлганларга нафратим ошади. Бир шеъримда ёзгандим:

*Сабрим менинг*
*шу дунёда,*
*Жабрим менинг*
*шу дунёда.*
*Кетар бўлсам қайга кетай,*
*Қабрим менинг*
*шу дунёда, — деб.*

Ҳақиқатан ҳам ота-онамизнинг қабри бор шу тупроқда. Биз ўз тупроғимизни гулга, шон-шавкатга буркашимиз керак. Ёмонини яшириб, яхшисини ошириб яшашимиз даркор. Қолаверса, четдан биров келиб бизга яхши ҳаёт яратиб бермайди. Отабоболаримиз ҳам оила сирини достон қилишни ўзларига ор билганлар. Ниятим, касбини севган одамлар кўпайсин. Бир санъаткорнинг «Саҳнани ташлаб кетсангиз, қийинчиликлардан қутуласиз» деган маънодаги гапга «Шу саҳнага чиққунча ғишт қуйдим, пахса урдим» деб жавоб берганини эшитганман.

***— Ижодий кайфиятингиз, келгуси режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.***

— Болалигимдан бугунгача газета атрофида, қоғоз қоралаб, ижодкору иқдидорлиларни саралаб яшаяпман. Раҳматли Шавкат Раҳмон «Умида, нега бунча бахтиёр дард билан шеър ёзасиз-а!» деган эди бир китобимга муҳаррирлик қила туриб. Энди эса ўша кунларимни орзиқиб эслайман. Йиллар ўтгани сари юрагингиз ҳувиллаб қолаверар экан... Йўқотишлар йўлидан шеър топиб оламан баъзан. Ўндан ортиқ китобим чиқди. Демак китобларим ҳам бисёр, топгану йўқотганларим ҳам...

***— Лекин барибир табиатан қувноқ кўринасиз. Кўзларингиз ҳамиша кулиб туради. Болалар газетасида ишлаган одам қаримаса керак-да?***

— Билмасам... Бунга балки болалар кунида туғилиб, болалар оламида яшаётганим ҳам сабабдир. Чунки, болалар ошкора йиғлаб, ошкора кулишни билишади. Мен ҳам ичимда сир сақлай олмайман. Нозик томоним ҳам шунда. Эҳтимол шундандир, самимиятим устунлигидан оламга очиқ қараб, одамларга қувонч ва ташвишларимни очиқ юктириб юришим.

***— Илоҳим шундай бўлиб қолинг. Фарзанду набираларингиз ҳам — «Тонг юлдузи» нусхаларидек кўпайсин. Боласини тўгарагингизга етаклаб келаётган ота-оналар бор экан, янги алифбодаги китоблар нега кам, деб куюниб юрган катталар барқарор экан, республика болалари ва ўсмирларининг газетаси ўз миллионларига етиб олади деб умид қиламиз.***

**Суҳбатни «Миллий тикланиш» мухбири Зумрад ВАҲОБОВА ёзиб олди.**

# Шеърга сиғмаган гаплар

Сўз одамнинг жонини олиши мумкин,
Гўёки у кескир қилич, энг кескир қилич.
Сўзлаётганларга инсоф берсин.

***

Бу сенга берилган энг оддий жазо,
Энг оддий, лекин, энг олий.

***

Қийин, жуда қийин, бемор одамнинг ёнида бўлиш жуда оғир. Айниқса, у энг яқин кишинг бўлса. Қўлингдан ҳеч нарса келмаганидан кейин, сохта табассум қилиб, ҳол-аҳвол сўраган бўласан. Ўзингни еб қўйсанг ҳам ҳеч нарсани ўзгартира олмайдиган ожиз одам боласи эканлигингни ана шунда ҳис қиласан. Дарднинг олдида шоҳ ҳам гадо. Лаганбардорлик қилиб, қисматга пора тутқазолмайсан, зоринг ҳам, зўринг ҳам бир пул. Шу дамда тақдирдан ортиқ ҳақиқатгўй, адолатпарвар топилмайди. Кулсанг ҳам, сочингни юлсанг ҳам парво қилмайди у. Беморлик — биродарингнинг бошига тушган синов. Тани бошқа дард билмайди, деб шуни айтсалар керак. Қанчалар аччиқ бўлмасин, тан олишимиз керак, бошқа йўл ҳам йўқ. Ҳар ким ўзининг гўрига ўзи тушади.

***

Узоқ машаққатлардан сўнг ушалган орзу майдалаб, эзғилаб ёққан ёмғирдан кейин чиққан қуёшга ўхшар экан.

***

Эртага нима бўлишини билмайман.

Балки шунинг учун яшаётгандирман, нимадандир умидвор. Эртага нима бўлишини билмайман. Фақат бир нарсани биламан. Эртага яна эртагани кўришни истайман.

***

Қанот керак менга, худди қушларникидай.

Фақат қушларга ўхшаб, узоқ ўлкаларга қиладиган парвозим ҳалокат билан тугамаса дейман.

***

Ёлғончи эмасман, баҳона қидирмайман. Лекин, рост гапни айтсам, кимдир мендан қаттиқ ранжийди.

— Нима қилай? Қандай йўл тутай?..

Икки ҳолда ҳам гуноҳкор бўламан.

Бошқа йўл тополмадим, индамадим. Атрофдагилар эса нимагадир тинмай мени калака қилишарди. Чидаб туролмадим. Гапирдим, жуда ёмон гапирдим. Икки йўлдан бормай, жимжитликда, сабр дарахтининг соясида ўтиргандим. Тош отишди, тош отавериб ҳаловатимни бузишди. Учинчи йўлдан юриб, катта, жудаям катта гуноҳ қилдим.

Гуноҳкор бўлиш шунчалар осон-а?!

Тавба қилдим, тавба.

***

Бу одамни ёмон одам деб эшитгандим.

Ишонмасдим.

Ҳозир аламзада хотини жиғибийрон бўлаяпти. Бақириб-чақириб, қарғанаяпти. Оиланинг бор ташвиши унинг гарданида ахир.

Бу киши эса кулади, кулиб-кулиб, яхши сўз билан аёлининг жонини олади. Унга фақат пул керак, унга текин қул керак.

Афсусланаман, у зиёли одам, олим одам.

Хўш, уни мен қайси қаторга қўшай?

Ёмонларгами, ё...

***

Нима излаяпсан бекорчиликдан?

***

Ҳаётда энг муҳим нарса — ким бўлиб яшаш, ким билан яшашдир.

***

Дам олиш кунида дам олганинг йўқ...

***

Йиллар еб қўйдими ҳаяжонимни?

Сесканмаяпман.

Яшаб юрибманда аяб жонимни.

Уйғонолмаяпман.

Уйқу ичидаги тушим ширин. Мазали, худди хаёлларимдай. Бемаза гап-сўзлар, уйғонганингда сени кутаётган учрашувлар, кеча айтилмай қолган гаплар, ёқимсиз давраларга дуч келишингни ўйлаш нақадар даҳшат, кўнгилжон. Ғафлат бўлса ҳам уйқу яхшига ўхшайверади.

Йўл тўла тузоқ, борар манзилим узоқ.

Хайриятки, ҳушёр йўловчиман. Кўнглимнинг кўчаси кенг, юрагим ҳам тор эмас. Умрим йўлларида, ҳаётим сўқмоқларида тўғри йўл излаб юрибман. Юравериб, оғримаган оёғимга ташаккур.

***

Бу одамни ҳамманикига ўхшаган қўллари ёки оёқлари эмас, ўтирган курсиси боқади.

***

У йиғлашни билади фақат, сен эса кулишни. Менинг эса кўрганим, билганим ғалати мутаносиблик.

Яшира олмайман ҳайратларимни, қандай яшаш мумкин шу ҳолда бирга?!

***

Кўплар гапиришни яхши кўради. Сўзни сарфлайверар бўлар-бўлмасга. Ахир ундан арзон нарса йўқ, ҳар қадамда топилади у. Кўпинча текинга тарқатилар сўз. Арзоннинг шўрваси татимайди-да, ҳавога учади бекорчи гаплар.

Лекин бир нарсани унутмаслик керак!

СЎЗДЕК БЕБАҲО НАРСА ЙЎҚ БУ ОЛАМДА.

**Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.**

*Дастурхон кўрки*

## «Чумоли уяси» торти



**Масаллиқ:** 1 юмалоқ маргарин, 1/3 стакан сут, 2 та тухум, сода, туз, ун.

**Тайёрлаш:** хамирни гўшт қиймалагичдан ўтказиб, пишириб олинг. Сўнгра, крем билан аралаштириб, «тоғча» таклига келтирилади.

**Крем тайёрлаш:** Узоқ вақт қайнатилган 1 банка қуйилтирилган сутни 200 гр сариёғ билан аралаштирилади.

*Маслаҳатхона*

### Карамнинг хосияти

Карам таркибида саратон касаллигига қаршилик кўрсатувчи изотиоцианат моддаси бор экан. Хитойда ўн саккиз минг киши устидан тадқиқот ўтказилганда, организмида бу модда мавжуд бўлган одамларнинг саратонга чалиниш эҳтимоли 36% камайиши аниқланди. Шанхайликлар кўп чекишса ҳам европаликларга қараганда ўпка саратони ҳасталигига камроқ чалинишининг сабаби энди ойдинлашди. Кўп карам истеъмол қилишлари уларнинг жонига оро кирар экан.

### Эркак ва... юрак!

Маълум бўлишича, 25—45 ёш оралиғида инфарктга чалинган эркакларнинг бошига бу дард кўпинча якшанба ёки байрам куни тушар экан. Сабаби, ташвишлар, зўриқишларга тўла меҳнат ҳафтасидан кейин улар бу пайтда ўз билганларича дам олишга интилишади. Яъни, спорт залларига боришади, меъёридан ортиқ еб-ичишади. Оқибатда юрак дош бера олмайди. Ёши 55 дан ошган эркакларнинг аксарияти душанба куни инфарктга чалинар экан. Сабаби, узоқ йиллик узлуксиз иш фаолиятидан кейин улар қаттиқ чарчашади. Янги ҳафта бошида «Уфф! Яна ўша асаббузар ишга бориш керакми?» деб юраклари сиқилади.

Шунинг учун аёллар эрларининг ёшига қараб ғамхўрлик қилишлари керак.

### Газли сувнинг зиёни

Болалар иссиқ кунларда севиб ичадиган газли сувларнинг соғлиққа зиёни ҳам бор. Британиялик мутахассисларнинг аниқлашича, лимонад ичишни хуш кўрадиган болалар бошқа тенгдошларига қараганда тиш емирилиши касаллигига тезроқ чалинар экан. Сабаби, бундай ичимликларнинг аксарияти таркибида турли кислоталар бўлиб, улар тишнинг эмал қобиғига салбий таъсир қилади.

**Дилрабо ЖУМАТОВА тайёрлади.**

## ДУШАНБА ТАЪБИРНОМАСИ

Душанба куни уйдан-уйга кўчмоқ яхшидир. Сабаби, ана шунда янги уй эгасининг қўлига молу давлат киради. Янги пичоқ тутмоқ яхши эмас. Душанбада қулоқ қичишса, қўлингизга ғойибдан келаётган бойликдан дарак. Кўзингиз учса, ғамдан халос бўласиз. Деҳқончилик ёки иморат қурилишини бошлаш ҳам яхши. Душанбада ғусл қилсангиз, юришмаётган ишларингиз ҳам бароридан келади. Бирор янги ишни бошлаш ҳам барокатли ниҳоя топади. Тирноқ олмоқ яхши, ризқ-рўзингиз зиёда бўлади. Душанбада меҳмондорчиликка бориш ҳам яхши, аммо бу кунда машриқ тарафга сафар қилманг, хатарли. Агар душанбада фарзанд туғилса, у ҳалол, ҳуру мусулмон бўлади. Исмини, агар ўғил бўлса, Аҳмад ё Муҳаммад, қиз бўлса Фотима қўйинг.

**Юсуф алайҳиссалом таъбирномасидан**

## АЙТ, СЕГОҲНИ ЧАЛСИН!



Ривоят қилишларича, Тангри Таоло одамни яратгандан сўнг унга жон киргизмоқчи бўлибди. Аммо жон танага киргани сира ҳам кўнмаган экан. Шунда тангри фаришталарга куй чалишни буюрибди. Куйни тинглаб, сеҳрига маҳлиё бўлиб қолган жон одамнинг танасига қандай жойлашиб олганини сезмай қолган экан. Куй нима ўзи? Нега инсонни ўзига бир зумда асир айлайди? Таажжубки, ҳатто заҳарли илонлар ҳам куй тингласа, хотиржам бўлиб рақс туша бошлайди. Искандарнинг шохи борлигини билиб қолган чўпон, юрак сирларини чоҳга айтгандан сўнг, унинг оҳу-ноласи куй орқали элга ошкор бўлмадими?

Куй ҳеч қачон миллат танламайди. Куй ҳеч қачон таржима қилинмайди. Беихтиёр, И. Ғофуровнинг «Илтижо» китобидаги ушбу мисраларни эсладим.

"Маконни ташлаб кетар бўлсанг,
айт, кетар олдингдан Сегоҳни чалсинлар.
Сегоҳ кетаётган одамнинг қадамларини таъқиб қилади.
У йиғланмаган йиғи
Тўкилмаган кўз ёш.
Сен мабодо, янги маконга кириб борсанг,
янги маконга илк қадам қўйганингда, айт,
Сегоҳни чалсинлар.
Сен эмас аввал Сегоҳ қадам қўйсин янги маконга.
Дўст қошига суҳбатга отланяпсан —
аввал тингла Сегоҳни.
Қанча боғларга кирдинг,
хотиралар қолди баридан.
Сен хотираларингни айтиб беришдан олдин
албатта, Сегоҳни тингла.
Инжиқлик бўлиб туюлмасин сенга —
Сегоҳ ҳар ҳолда
сендан қарироқдир
сендан доноророқдир".

Мунгли куй навоси янграгунча руҳингизни аллақандай туйғу қамраб олади. Гўё кифтингиздан қанотлар ўсиб чиққандек, оёғингиз ердан узилади-ю, парвоз қила бошлайсиз. Куйга ошно қалбдан ҳеч қачон эзгулик йироқ бўлмайди.

Ҳамиша яхши куй сизга ҳамроҳ бўлсин. Муродингизга етинг.

**Муҳиддин АБДУЛСАМАД.**



# МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ ФОЖИАЛАРИ

***Футбол — миллионлар ўйини эканлигини ҳамма билади. Бу ўйиндан баҳра олмаган ва ёшлигида тўп тепиб, кўча чангитмаган инсон топилмаса керак. Аммо жанг қурбонсиз бўлмаганидек, бу ўйинда ҳам гоҳ-гоҳида фожиалар учраб туради. Ушбу спорт турида бўлиб ўтган нохуш ҳолатлардан сизга айрим мисоллар келтирамиз.***

**1958 йил** — "Манчестер Юнайтед" жамоасининг Европа чемпионлари кубок ўйинларига олиб кетаётган самолёт ҳалокатга учраб, 8 та футболчи, жамоанинг уч аъзоси, 8 та журналист ва беш экипаж аъзолари ҳалок бўлишган.

**1964 йил** — Перунинг Лима шаҳридаги "Наим ас-Сажаф" ўйингоҳида бўлган тартибсизликлар оқибатида 312 киши ҳалок бўлиб 500 таси жароҳатланган.

**1971 йил** — "Рейнжерс — Селтик" футбол жамоалари ўртасидаги ўйин пайтида "Айброкс Парк" майдонида киритилган тўп учун хурсанд бўлаётган мухлисларнинг оғирлигидан улар ўтирган цемент ўриндиқлар қулаб тушиб, 66 киши ҳалок бўлган, 150 таси қаттиқ жароҳатланган.

**1979 йил** — "Пахтакор" жамоасининг 17 нафар ўйинчиси собиқ иттифоқ чемпионати ўйинларига кетаётганда авиаҳалокат юз берган ва барча ўйинчилар, самолёт экипажи қурбон бўлган.

**1982 йил** — Москванинг "Спартак" ва Голландиянинг "Хаарлем" жамоалари ўйини пайтида юз берган тартибсизликлар оқибатида 300 дан ортиқ мухлислар ҳаётдан кўз юмдилар.

**1985 йил** — Англиянинг "Ливерпул" ва "Ювентус" жамоаларининг Европа чемпионлари кубок ўйини чоғидаги ғалаён туфайли 39 киши ҳалок бўлган, 400 га яқин одам жароҳатланган.

**1988 йил** — Триполи ўйингоҳидаги Ливия ва Мальта ўртасидаги ўйинда минбарнинг қулаб тушиши оқибатида 30 киши ҳалок бўлган.

**1989 йил** — "Ливерпул" ва "Ноттингем форест" жамоаларининг Англия кубоги ўйинларининг ярим финалидаги тартибсизликлар туфайли 95 киши ҳалок бўлиб, 200 га яқин одам жиддий жароҳат олган.

**1990 йил** — "Ливерпул" жамоаси ўйини вақтида юқорида томоша қилаётган одамлар қизиқиб, пастга тушаётганларида, пастдагилар панжарага қисилиб, кўпчилиги ҳалок бўлган.

**1992 йил** — "Бастия" ва "Марсел" жамоалари ўйини бошланмасдан минбар қулаб тушган ва 15 та одам ҳалок бўлиб, 1300 нафари жароҳатланган.

**2000 йил** — "Женоа" ва "Интер" жамоалари ўйинида кўккисдан юқоридаги бетон пастга синиб тушиб, 3 та одам ҳалок бўлиб, бештаси жароҳатланган.

**2002 йил** — "Галатасарой" ва "Лидс" жамоаларининг УЕФА кубогидаги баҳсидан сўнг бўлган тартибсизликлар оқибатида 2 инглиз ва 1 турк фуқароси ҳалок бўлиб, бир нечта ишқибозлар тан жароҳати олганлар.

**Сунnатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.**


**Оҳангарон Далварзин ирригация тизими бошқармаси қуйидаги районларда ишлаш учун**

**ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

***ПИСКЕНТ ТУМАНИДА***

***К — 700*** *трактори ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Ойлик маош 50 минг сўм*

***Т — 150*** *трактори ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Ойлик маош 50 минг сўм*

***Бульдозер*** *ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Маош ишбай*

***ЮМЗ ЭО — 2621*** *ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Маош ишбай*

***Экскаватор*** *машинисти - 2 та ўрин. Маош ишбай*

***БЎКА ТУМАНИДА***

***Экскаватор*** *машинисти - 2 та ўрин. Маош ишбай*

***БЕКОБОД ТУМАНИДА***

***Экскаватор*** *машинисти - 1 та ўрин. Маош ишбай*

***ОҲАНГАРОН ТУМАНИДА***

***Экскаватор*** *машинисти - 1 та ўрин. Маош ишбай*



**МАНЗИЛ: Пискент тумани, Тўйчи Полвон кўчаси 1-уй.**

**Телефонлар: 52-253, 52-806.**



Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-56-80, 136-58-73

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 930. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА

Босишга топшириш вақти 20.00

Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00